Ушбу сонда:
2 ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАРГА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА
3 TV - ДАСТУРИ
4 НАВОИЙХОНЛИК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 30 июн, жума №93 (925)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Пайариқ тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Дамариқ қишлоғида яшовчи 13 ёшли Жасуржон Жуманов яқинда Президентимиз номига мактуб йўллаган эди. Мактубда дамариқликларнинг бугунги ҳаёти, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонларнинг келажакка бўлган ишончи, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигига рахна солишга уринаётганларга нафрат, сиёсий жараёнларга муносабат акс этган эди.

Жасуржон эндигина бешинчи синфни битирди. Аммо мушоҳадаси кенг, орзулари бир олам. Ота-онаси ҳам оддий кишилар. Олис қишлоқдаги камтарин хонадонда соғлом руҳда вояга етаётган, ўз қараши, қатъий фикрига эга ўсмир йигитнинг юксак даражадаги ватанпарварлигидан фахрланган Президентимиз Ислом Каримов Жасуржонга қимматбаҳо эсдалик совғаларини юборди. Совғаларни топшириш маросими қишлоқда катта тантанага айланди. Бутун қишлоқ аҳли фидойи ёшларни ўз фарзандидек билиб, ёш авлод тарбиясига катта эътибор бераётган Юртбошимизга миннатдорлик билдиришди.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ички биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш, хорижий валюта тушуми манбалари ва миқдорини кенгайтириш ҳамда валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2000 йил 1 июлдан бошлаб биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, ушбу механизм:

ваколатли банкларнинг ўз мижозларидан бўш валюта маблағларини шартнома асосида хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда эркин курс бўйича харид қилишини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларига эга бўлган корхоналарга импорт истеъмол товарларини сотишдан олинган сўмдаги тушумни хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланаётган эркин курс бўйича конвертация қилишни назарда тутади.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби;

Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тўғрисида вақтинчалик низом.

3. Белгилансинки, ички валюта бозорида:

рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб камида 6 ой мобайнида ўз фаолиятини амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар хорижий валютани сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар;

хорижий валюта фақат ўз маблағлари ҳисобига миллий валютада сотиб олиниши мумкин;

ваколатли банклар ўз мижозларига хорижий валютадаги ўз маблағларини ва сотиб олинган маблағларни ҳисобга олиш учун алоҳида валюта ҳисоб рақамлари очадилар;

ваколатли банклар томонидан мижозларнинг буюртманомалари бўйича сотиб олинган, 7 иш куни мобайнида фойдаланилмаган хорижий валюта сўзсиз қайтариб сотилиши керак. Марказий банк мулкчилик шаклларидан, хорижий валютани сотиб олиш мақсадлари ва манбаларидан қатъи назар, мазкур талабнинг ваколатли банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қуйидаги талаблар бажарилиши мажбурийдир:

импорт контрактлар бўйича аванс тўловлари контракт қийматининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган, бироқ 100000 АҚШ долларига тенг бўлган маблағдан кўп бўлмаган доирада Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкининг импорт қилувчи корхонасига хизмат кўрсатувчи вакил банкнинг муқобил банк кафолати мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағдан ортиқ бўлган аванс тўловларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг хулосасига кўра фақат Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади;

товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилгунгача (хизматлар кўрсатиш) товарлар (хизматлар) импорти шартномалари бўйича аванс тўловлари хорижий валюта харид қилиш учун ўтказилган маблағнинг миллий валютадаги 100 фоизи қўшимча равишда захирага қўйилган тақдирда амалга оширилади, марказлаштирилган манбалар ҳисобига сўмда маблағ билан таъминланадиган импорт контрактлар бундан мустасно. Захирага қўйилган маблағ товарлар олиб кирилиши (хизматлар кўрсатилиши)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган асл нусхаси банкка тақдим этилгандан кейин қайтарилади;

рўйхат бўйича оффшор зоналарга аванс тўловларини ўтказишга, шунингдек ишлар (хизматлар) ҳақини тўлашга йўл қўйилмайди;

мазкур контрактлар бўйича контрагентлар ҳисобланмаган норезидентлар фойдасига импорт контрактлар бўйича ҳақ тўлашга йўл қўйилмайди;

марказлаштирилмаган экспорт операциялар бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати 60 кундан ошиб кетмаслиги керак, муассислар томонидан чет элдаги корхоналарга (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналар, фирма дўконлар, дилерлик шохобчалари ва консигнация омборлари) олиб чиқилаётган товарлар бўйича эса - 180 кундан ошиб кетмаслиги керак;

валюта тушуми чет элдан тушиши белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин 30 банк кунидан ортиқ кечиктирилишига йўл қўйган юридик шахслар - резидентлар республика бюджети даромадига тушмаган валюта маблағларининг 100 фоизига тенг миқдорда жарима тўлайдилар;

резидентлар томонидан тўланадиган фоизлар ва олинган ташқи қарзлар бўйича бошқа қўшимча тўловлар миқдори бир йилда қарз асосий суммасининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги керак;

мазкур қарор чиқишигача ваколатли банклар томонидан ҳисобга олинган контрактларни бажариш илгари белгиланган тартибда 2001 йил 1 январгача амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги билан биргаликда ички валюта бозори фаолият кўрсатиши устидан назорат ўрнатиш тизимини ишлаб чиқсин ва уни 2000 йил 1 июлдан бошлаб жорий этсин. Ушбу тизим:

валюта маблағларини ваколатли банклар томонидан хорижий валютани сотиб олувчи хўжалик юритувчи субъектларда тегишли сўмдаги маблағлар мавжудлиги тасдиқлангандан кейин сотишни;

барча манбалар ҳисобига республикага хорижий валюта тушуми, мажбурий сотишнинг белгиланган прогноз миқдорлари бажарилиши, биржадан ташқари валюта бозорига энг кўп валюта маблағлари жалб этилиши устидан ҳар ойлик мониторингни;

валютани харид қилиш, сотиш ва ундан фойдаланиш тартиби бузилганлиги учун ваколатли банкларни ва хўжалик юритувчи субъектларни ички валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ҳуқуқидан 6 ойгача бўлган муддатга вақтинчалик маҳрум қилишгача бўлган жазолар қўллашни назарда тутади;

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига биржа ва ярмарка савдолари орқали миллий валютада амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари механизмини ва уларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга доир таклифларни киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 июн

*Мустақиллик иншоотлари*

## ТОШКЕНТНИНГ УЛКАН КЎПРИГИ

Юртимиз кундан-кун чирой очиб, тобора кўркамлашиб бормоқда. Жойларда қад ростлаётган бир-биридан муҳташам иморатларни кўриб кўзинг қувонади.

Юрт ободлиги, аввало, тинч-тотув ҳаёт, самарали ва жўшқин меҳнат туфайлидир. Айтиш мумкинки, элимиздаги фаровон турмуш, тинч ва осуда ҳаёт халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини жўш урдирмоқда. Айниқса, пойтахтимиз - Тошкентда миллий ва замонавий меъморлик анъаналари асосида қурилаётган турар жойлар, меҳмонхоналар, спорт саройлари, кенг ва равон кўчалар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу борада кенг кўламда иш олиб бормоқда. Жумладан, шаҳарнинг эски қисми қиёфасини тубдан ўзгартириш, янги-янги иншоотлар, уй-жойлар ва илм-фан масканлари қуриш, алоқа тизимини такомиллаштириш, ер усти ва ости йўлларини кенгайтириш ишлари жадал бормоқда. Бунда, аввало, аҳоли учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда Аҳмад Дониш ва Ҳусниддин Асомов кўчалари кесишган жойда улкан кўприк қад ростламоқда. Бу ноёб иншоот Халқлар Дўстлиги кўчаси билан Ҳадра майдони, Фарғона йўли билан Тошкент айланма йўли, Аҳмад Дониш кўчаси билан Амир Темур кўчаларини туташтирувчи улкан кўприклар сирасига киради. Эътиборли томони шундаки, мазкур қурилиш лойиҳага кўра 3-4 йилда қуриб битказилиши кўзда тутилган эди. Аммо кўприксозликда катта тажриба орттиришга эришаётган қурувчилар бу ишни бор-йўғи ўн икки ойда ниҳоясига етказиб, мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги байрамига тўёна қилишга бел боғлаган.

- Ҳозирда қурилиш ишларининг қарийб олтмиш фоизи бажарилди, - дейди «Тошметроқурилиш» трести бошқарувчиси Шокир Солиҳўжаев. - Қурувчиларимиз кунни-тунга улаб, уч сменада иш олиб боряпти. Эътибор берган бўлсангиз, қурилиш ҳажми ва кўлами ниҳоятда кенг. Тез кунларда кўчаларни бир-бирига туташтирадиган асосий устунларни ёткизишга киришилади. Умумий узунлиги бир минг икки юз метр, эни эса ўн беш метрли бу кўприк ҳозирча пойтахтимизда шу турдаги ягона иншоот бўлади. Жами қарийб 5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бу ерда автотранспорт эркин ҳаракатланиши учун барча қулайлик яратилади. Тошкент Бош режа асосида лойиҳалаштириш илмий-текшириш институти мутахассислари яратган лойиҳага кўра, ушбу кўприк остки қисмини иккита марказий автойўл, катта-кичик кўчалар ҳамда трамвай-троллейбус шохобчалари кесиб ўтади.

Ҳозир мажмуани бунёд этишда 20 дан зиёд ёрдамчи пудратчи ташкилот қурувчилари меҳнат қиляпти. Бир томонда бурғулаш машиналари орқали ҳандақ қазилиб, йирик устунлар пойдевори қуйилаётган бўлса, бошқа томонда махсус тайёрланган бетон тўсинлар пайвандланмоқда. Яна бир томонда эса металл конструкциялар ёрдамида шу ернинг ўзида яхлит-яхлит кўприк қисмлари қўйилмоқда.

- Бу - кўприксозликда ўзига хос янглик, - дейди Давлат қурилиш назорати бош мутахассиси Баҳром Аҳмедов. - Илгарилари бу борадаги барча ишларнинг бориши темир-бетон заводлари тайёрлаб берадиган махсус тўсинларга боғлиқ эди. Эндиликда эса «Тошметроқурилиш» тресги қурувчилари металл конструкциялар ёрдамида исталган баландликда махсус қолиплар ясаб, шу ернинг ўзида бетон қоришмаларидан мустаҳкам кўприк қисмларини қўймоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилади, иш сифати ва самарадорлиги ортади.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

*Газета саҳифаланаётганда:*

### «ДЎСТЛИК» — БИЛЛУР КУБОК СОҲИБИ

Кеча биринчилик пешқадамлари — Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ҳамда Самарқанд вилоятининг «Самарқанд-Динамо» жамоалари ўртасида мамлакат биллур кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. «Пахтакор» марказий стадионини тўлдириб ўтирган мухлислар шу кеч ажойиб голлар гувоҳи бўлишди. «Дўстлик» рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Фарид Хабибулин, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ва Жаъфар Ирисметов томонидан киритилган тўрт тўпга «Самарқанд-Динамо» ҳужумчиси Ойбек Усмонхўжаев бир гол билан жавоб берди, холос.

Шундай қилиб, ўтган йилги чемпион жамоа "Дўстлик" мамлакат кубогини ҳам қўлга киритиб, дублга эришди.

### АРТУР ГРИГОРЯННИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

Артур Григорян профессионал боксчилар орасида ўн бир карра жаҳон чемпиони бўлса-да, экспертлар уни муносиб, жиддий рақиб билан тўқнашув кутаётганини башорат қилишган эди. Ҳақиқатан ҳам, Золтан Калоксай ўн бир раунд давомида Артур Григорян зарбаларини қайтариб турди, фақат ўн иккинчи раунддагина юртдошимиз аниқ ва кучли зарба билан рақибини нокаут ҳолатига туширди.

**Р.РАЖАБОВ.**

*Фахр*



## Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

## ХОРИЖДАМАС, ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Ён қўшним билан озиқ-овқат дўконига рўзғор харажати учун киришга тўғри келди. Қўшним очиқ кўнгил йигит. Кўнглига келганини сақлаб турмайди. Пештахтага чиройли қилиб териб қўйилган бежирим идишларга қарадию хитоб қилди:

— Тадбиркорларимизга раҳмат. Қаранг, ёғларни тўлдириб ташлашибди! — Баҳосиям қиммат эмас.

Бизни кузатиб турган сотувчи йигит гап қўшди:

— Акахон, ёғ чет элники эмас, ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Лотин ҳарфларида битилган сўзларни ўқидик. Чиндан ҳам Наманган ёғ-экстракт корхонаси маҳсулоти экан. Қўшним қойил қолганини яширолмади:

— Ёғчиларимиз ҳам ўлмасин-е, четдагиларникидан ҳам ўтказиб юборишибди...

— Давр талабидан келиб чиқиб биз ишлаб чиқариш технологиясини тобора такомиллаштириб боряпмиз, маҳсулот сифатини яхшилашга, ҳажмини кўпайтиришга интиляпмиз, бу йўлда тинимсиз изланмоқдамиз, - деди корхона раҳбари Қутбилло Лутфуллаев ташрифимиз боисини билгач қувониб.

Пахта ёғи танқислигига барҳам бериш учун тадбиркорлар астойдил ҳаракат қилишяпти. Чигитдан ёғ ажратиб олиш эса ғоят мураккаб жараён бўлиб у такомиллашган техника ва технологияни талаб этади.

Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, аҳолининг бу маҳсулот турига нисбатан талабини тўлароқ қондириш учун саъй-ҳаракатни авж олдиришга ундади, - давом этади Қ.Лутфуллаев. — Ўтган йилнинг охирларида бўлган вилоят сессиясида аҳоли эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш учун қўшимча равишда 1-1,5 минг тонна миқдорида ёғ ишлаб чиқаришга эришиш зарурлиги вазифа қилиб қўйилди.

Аслида корхона мамлакатимиз миқёсида шу тизимдаги илғор жамоалардан саналади. Ўтган йилда белгиланган режа барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам чакки бўлмади. 22 миллион сўм соф фойда олишга эришилди.

Ишловчиларни ижтимоий муҳофазалаш соҳасида ҳам бир мунча ишлар қилинмоқда. Масалан, ўтган йили қиш мавсуми олдидан сабзавот ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш учун ҳар бир ишловчига 6,5 минг сўмдан пул берилди. Табиийки, бу йил ушбу кўмак янада ошириладиюди. Ҳар бир ишчи-хизматчига туғилган кунида ўртача бир ойлик маош миқдорида ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жамоа аъзоларига вақти-вақти билан чорва ҳайвонлари учун озуқа бериб бориш йўлга қўйилган. Корхона қошидаги ёрдамчи хўжалик-чорвачилик фермаси маҳсулотлари ҳам жамоа аъзолари эҳтиёжлари учун ишлатилади. Оғир меҳнат билан шуғулланаётганлар доимий равишда сут-қатиқ билан таъминлаб келинади. Байрам ва ҳайит кунлари арафасида арзон баҳоларда гўшт тарқатилди. Нафақага чиқаётганларга совға-саломлар, пул мукофотлари бериш анъанага айланган. Юзга яқин уруш қатнашчилари ва нафақага чиққанлар ҳолидан мунтазам хабар олиб турилади. Қадоқлаш ва доғлаш цехларини ишга тушириш тантаналарида 30 га яқин илғорларга Хива гиламлари совға қилинди. Шунингдек, шаҳардаги «Ишчи» маҳалласида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар корхона оталиғига олинган. Ёзги соғломлаштириш мавсумида ишчи-хизматчиларимиз ва уларнинг фарзандларига оромгоҳ ва сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар тарқатилмоқда. Зеро, жамоа омилкорлик билан бошқарилса, ҳар соҳада ривожланиш, юксалишга эришилади. Авваллари Намангансой кўпригидан ўтишингиз ҳамон кўзга ташланадиган алмисоқдан қолган эски иморатлар ўрнини бугунги кунда замонавий ишлаб чиқариш корпуслари эгалламоқда. Чунончи, ҳозирдаёқ дарвозадан кирганингизда ўнг томонда қад ростлаган баланд замонавий бино эътиборингизни тортади.

(Давоми 2-бетда).

## ПАРДА БОБО УСТАХОНАЛАРИ



Азим дарахт соясида беш-олти нафар нуроний-лар билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Улар Президентимизни дуо қилиб, ўзларига яратилаётган шароитлардан мамнун бўлиб гапирадилар.

— Бир вақтлар тузукроқ бино қуриш учун тегишли идоралардан рухсат олиш керак эди, - дейди Сафо ота Нормўминов. — Энг ёмони пешона тери эвазига топилган маблағдан эмин-эркин фойдалана олмасдик. Ким бойиса балога қоларди. Шукрки, истиқлол туфайли бағримизга шамол тегди. Ҳақиқий мулкдор бўлиш, савдо-сотиқ билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Отахонлар хайрли ишга қўл уриб, 50 нафар кишини муҳим иш билан таъминлаган сариосиёлик Парда бобо ҳақида алоҳида тўхталдилар. Маълум бўлишича, у қишлоқнинг баобрў, ташкилотчи кишиларидан экан. Ота елиб-югуриб «Чинор» хусусий фирмасини ташкил этди. Вақт ўтиши билан фирманинг тармоқлари кенгая бошлади. Ҳозирги кунда ҳамма Парда бобога ҳавас қилади. Негаки, иккита савдо дўкони, сартарошхона, этикдўзлик, соатсозлик устахоналари, музқаймоқ тайёрлайдиган кичик цех ишлаб турибди. Айниқса, 25 нафар чевар фаолият юритаётган тикув цехида иш қизғин. Муҳаббат Ғаффорова, Шахло Мўминова, Розия Баданова, Рўзихол Оллоқулова каби ўз ишининг усталари «Шарғун» кўмир кони ишчи-хизматчиларига сифатли кийим-бош тикиб беришда намуна бўлишаяпти.

Парда бобо чорвачиликни ҳам ривожлантирмоқда. 40 та қорамолини йил охиригача 70 тага етказмоқчи. Яқинда «Дамас» автомашинаси пуллик хизматга қўйилди. Тиниб-тинчимас отахон шогирдларини ёнига олиб чинни заводи қурилишини бошлади. Ўзимизча фикр қиламиз, қани энди ҳаётда ҳамма ҳам шундай яшаса, меҳнат қилса!

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

### ФИСҚ - КУФРИ НИҲОНИЙ ДЕМАК

**Фосиқ мену кофири ниҳони,**
**Каъба сафари эрур манга ҳайф.**
**Ўзни буки яхши кўргузурмен,**
**Биллаҳки, менга калисо ҳайф.**

Алишер Навоийнинг қитъа жанрига мансуб ушбу тўртлиги дастлаб «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган, кейинчалик эса «Хазойин ул-маоний»га киритилган. Унга шундай сарлавҳа қўйилган: «Ўзининг куфри ниҳонийсин ошкоро ва фисқи пинҳонийсин пайдо қилғани». Демак, бу шеър яширинни ошкор қилиш, ошкор қилинганни эса эътироф айлаш эҳтиёжидан тузилган. Гап шундаки, бундай ошкораликка юз буриш ва фавқулодда мардоналик билан ўзининг сийратига назар ташлаш ёки ўзининг устидан ўзи ҳукм чиқариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун шеърнинг илк сатридаги «Фосиқ мену кофири ниҳони», деган сўзлар билан танишган оддий ўқувчида бир қадар ғалати ҳолат пайдо бўлиши мумкин. Чунки инсон табиатида ўзининг айб ва аҳлоқий камчиликларига иқрор бўлишдан кўра, уларни яшириш, қандай қилиб бўлса ҳам ноқисликларини хаспўшлаш истаги доимо устунликка эришиб келган. Шеърнинг умумий мантиғи ана шу истакни тубдан инкор этади. Чунончи, унда энг аввало фисқ қораланган. Фисқу фужурга кўнгилдан ўрин берган кимсаларга фосиқ дейилади.

Навоийнинг эътирофи бўйича, фисқ ҳам куфр, фосиқ эса уни ниҳон сақлагувчи кимса. Бундай ҳолатда ҳатто «Каъба сафари»дан ҳам фойда етмайди.

Ғарбда пайдо бўлган экзистенциализм таълимотининг таниқли вакилларидан бири бўлган Жан Поль Сартр мақолаларидан бирида, «Бизни инсоннинг тубанлигини таъкидлашда, ҳамма жойда унинг ёқимсиз, қабиҳ томонларини кўрсатиб, кўп ёқимли ва гўзал жиҳатларига эътибор бермаслик, инсоннинг ёруғ томонларидан юз буришда айблайдилар», дейди. Шунга яқин айб Шарқда маломатийлик деб ном олган маслак вакилларига ҳам қўйилган. Чунки улар ҳам қандай фазилатларга соҳиб бўлиш ҳақида эмас, асосан қайси қусур ва ноқисликлардан халос бўлиш хусусида баҳс юритишган. Бироқ бу иш инсон тақдирига жуда чуқур қараш, яхши фазилатларнинг равнақи бевосита ёмон аҳлоқни-да танишга боғлиқ, деган эҳтиёж билан амалга оширилган. Шу маънода Навоий қитъасидаги лирик қаҳрамон бир маломатий қиёфасида кўзга ташланади. Ва фосиқликнинг илдизини «ўзни яхши кўргазмоқ», яъни худпарастликда, дея таъкидлайди:

**Ўзни буки яхши кўргузурмен,**
**Биллоҳки, менга калисо ҳайф.**

Ўзни яхши кўрсатиш, сиртдан қаралганда оддий ҳаракат ёхуд табиий интилишга ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин у кўпинча ва кўп вазиятларда ужб ва риёдан юзага келади. Риё жой топган кўнгил борки, ҳеч истисносиз барчаси диний туйғу ва соғлом эътиқоддан йироқлашади. Акс ҳолда Навоий ҳазратлари:

**Навоийхонлик**

*Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш, ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.*



Биллоҳки, менга калисо ҳайф, - деб ёзмасдилар.

Диний ҳаёт талаблари - осон ва осонлик билан амалга ошириладиган талаблар эмас. Диний ҳиссиёт камоли учун кўп ранж чекиш лозим. Чинакам диндор - ўзлигини таний олган, раҳмоний хислатлар нимаю, нафсоний хусусиятлар нима - буларни бехато фарқлайдиган ва амалга оширадиган, тоат-ибодатидан ортиқча мамнуниятга берилмайдиган кишидир. Инсон фарзанди сўзда, амалда (ишда) ва ҳолда риёдан қутилганда эди, олам аллақачон гулистонга айланган бўларди. Бироқ ҳеч қачон бунақа бўлмаган, бўлиши ҳам душвор. Негаки уни доимий равишда ғафлат ва ҳавоу ҳавас таъқиб этади. Доимий равишда у маънодан кўра даъвога таслимдир. Навоийнинг қитъаси ана шулар ҳақида жиддий фикр юритишга чорлайди. Бундай мушоҳада айниқса бугун ҳар қачонгидан кўра зарур ва ниҳоятда аҳамиятлидир.

### «ПОКЛАР ЖОНИ БЎЛУР ОЗУРДА...»

**Поклар жони бўлур озурда тазвир ашкидин,**
**Кўзгу рухсори нечукким, занг тутқай нам била.**
**Ростлар кўнглини айлар тийра нодон ёвадин,**
**Шамъни ул навъким, жоҳил ўчургай дам била.**

Поклик - зеҳн ва идрок тиниқлиги. Маънавий поклик - аҳлоқ зиёси. У - ҳиссиёт ўткирлиги, кўнгилнинг ҳар турли ғуборлардан тозаланиши. Покиза юракда Руҳ шаффофлиги, англаш туйғулари ҳам ғоятда юксак бўлади. Унинг ўзига хос маъюслиги, сезгирлиги бор. Қитъанинг биринчи сатрида «поклар жони»нинг ҳийла ёки фириб кўз ёшларидан озор чекиши сўзланган. Шоир бу озурдаликни нам туфайли «кўзгу рухсори»нинг занглашига нисбат беради. Айтайлик, бирор нодоннинг пойма-пой алжирашлари тўнка табиатли иккинчи бир гумроҳга ёмон таъсир кўрсатмас. Аммо бундай вайсақилик «ростлар кўнглини» тийра айлай олади. Бу эса жоҳилнинг «дам била» шамни ўчиришига ўхшайди. Ҳа, нодоннинг нафаси ҳам совуқ, дил ёруғлигига зиён етказувчидир.

### «ИЛМДИН КАСБИ ҚИЛКИ...»

**Илмдин касби қилки, суд эрмас,**
**Чарх мушкулларини ҳал қилмоқ.**
**Лекин ул илм доғи нафъи этмас,**
**Билибон бўлмаса амал қилмоқ.**

Ҳадислардан бирида: «Оллоҳ таолодан фойдали илм сўрангиз ва бефойдасидан сақланингиз», дейилган. «Чарх мушкулларини» ҳал қилмоққа ёрдам бермайдиган илмларни ҳазрат Навоий бефойда илм деб ҳисоблаганлар. Ва бундай илм билан машғул бўлмоқни мақсадга айлантирмасликка чақирганлар. Бундан мурод, қайси шакл ва қай жиҳатдан бўлмасин, фанга, охир-оқибатда халққа фойда етказишдир. Ҳаёт ва онг тараққиётига хизмат қилмаган илм - илмсизликдан ўзга нарса эмас. Тараққиёт учун эса билишнинг ўзигина кифоя этмайди: билимга яраша амал ҳам керак. Элу юртга илмдан етадиган наф - бебаҳо. Бу маънавий фойданинг ўрнини бошқа ҳеч нима тўлдира олмайди. Шунинг учун ҳазрат Навоий алоҳида урғу билан:

**Лекин ул илм доғи нафъи этмас,**

**Билибон бўлмаса амал қилмоқ,** - деб ёзган эдилар. Билган нарсани биламан, билмаганни билмайман дея олиш - мана шу ҳақиқий билим. Билим даражасига мувофиқ амал ва ҳаракат - бу, чин олимга хос фазилат саналади.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори.**



Кейинги пайтларда республикамизда спортни оммалаштиришга катта эътибор берилаётир. Негаки, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг аҳамияти каттадир. Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов туманида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Миришкор қишлоғида футбол бўйича 9 та жамоа ўртасида мусобақа ўтказилди.

***Суратда:* *Спорт фахрийлари Файзулла Мамажонов, Тўра Соҳибов, Искандар Нуриддинов ҳамда Бахтиёр Каримовлар кенгашмоқдалар.***

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

*Футбол*

***Азиз муштарийларимиз ушбу сатрларни ўқишга жазм қилган чоғда «Европа - 2000» футбол баҳсига сўнгги нуқтани қўйиш учун майдонга тушадиган иккинчи финал соҳиби ҳам маълум бўлади. Ундан бир кун илгари эса Бельгия пойтахти Брюсселда ҳаракатдаги жаҳон чемпионлари — Франция ва қитъа чемпионлигига даъвогар эканлигини чиройли, комбинацион ўйинлари билан исботлашга муваффақ бўлаётган Пиреней ярим ороли вакиллари — Португалия терма жамоалари орани очди қилиб олдилар.***

# КЎЗ ЗИДАНДА-Ю ХАЁЛДА ЛИВАН

Ким ғолиб чиқади? Аксарият мутахассислар фаранг футболчиларининг ҳар қачонгидан ҳам кучли руҳий ва жисмоний тайёргарлик билан чемпионатга келганликларини эътироф этаётган ҳамда финалга айнан ушбу команда йўлланма олишини башорат қилган бўлса-да, омад шаробини сипқоришга португалияликлар ҳам муносиб эканлигини ҳеч ким назардан қочирмаётганди.

Қолаверса, бу ўйин майдонда икки услуб соҳибларининг ўзига хос баҳси ҳам эдики, бундан икки йил муқаддам жаҳон чемпионатининг финал учрашувида Бразилияни енгган Франция терма жамоаси олдида бу гал «Европа Бразилияси» — Португалияни таслим қилиш вазифаси турарди. Айтиш лозимки, у бу оғир юмушни муносиб бажара олди. Гарчанд асосий вақтда ҳисоб 1:1 бўлиб, кучлар тенг келгандек туюлса-да, француз футболчиларининг хатти-ҳаракатларида салобат, вазминлик ва энг муҳими, ўз кучига ишонч яққолроқ сезилиб турди. Айниқса, дарвозабон Бартес ва диспетчер, команда юраги Зидан намойиш этган ўйин улар ушбу футбол спектаклининг чинакам бош қаҳрамонлари эканликларини тасдиқлади. Агар Бартес бир қанча хавфли зарбаларни қайтариб, гўё бу билан ўз жамоадошларига «сизлар бемалол ҳужумга бораверинглар» дегандек бўлса, Зидан эса энг чигал тугунларни ечиб, футбол афсунгари эканлигини яна ва яна исботлай билди. Қўшимча вақтда португалияликлар дарвозасига белгиланган пенальтини моҳирона ижро этиб, олтин гол муаллифи бўлиш унга насиб этганлигида ҳам рамзий маъно бор, десак муболаға бўлмас.

Биз «Европа - 2000»га бунчалик эътибор билан қараётганимиз бежизга эмас. Агар таъбир жоиз бўлса, нигоҳимиз Европа майдонларида кечаётган қизғин баҳсларда-ю, хаёлимиз кузда Ливанда бўлиб ўтадиган Осиё биринчилигида. Хўш, Ўзбекистон терма жамоаси биз мухлисларга қандай совға ҳозирлаб қўйибди? Бизга ҳам ўз Бартес ва Зиданларимизни кўриш насиб этадими? Бугун барча саъй-ҳаракатлар миллий командамизга яхшироқ шарт-шароит яратиб беришга қаратилган бўлиб, айнан шу сабабга кўра иккинчи давранинг дастлабки тури бир ой аввалга кўчирилганлиги ва ҳатто то ҳануз навбатдаги ўйинлар тақвимини эълон қилишга ошиқилмаётганлигининг ўзиёқ футболимизда жиддий ўзгаришлар юз беради, деб умид билдиришга ундайди.

Ҳа, бугун биз Европада кечаётган баҳсларни камроқ ҳасад, кўпроқ ҳавас билан кузатиб турибмиз. Тўп думалоқ, майдон текис, дейдилар. Ажаб эмас, маълум муддат ўтгач, Осиё биринчилиги ҳам мухлисларда худди шундай қизиқиш уйғотса!

**Р. ЗАЙНИЕВ.**

## СУХАНДОНЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ёшларни нафақат жисмонан соғлом, балки маънан баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва одамийлик ҳислатларини таркиб топтириш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Тошкентдаги нафис санъат лицейида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.***

Ўқувчилар учун бу ерда барча шароитлар мавжуд. Устозлар ёш авлод тарбияси йўлида бор билим ва тажрибаларини аямаяптилар. Ўтган ўқув йилида лицей ўқувчиси Худойберди Нурназаров имтиҳонсиз бадиий академия талабаси бўлиш шарафини қўлга киритганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Малика Нурмуҳамедова эса Америкада ўқиб келди.

Битириш кечасида ана шу ютуқлар тилга олинди. Ҳамда биринчи марта ташкил этилган сухандонлик гуруҳининг 15 нафар битирувчисига гувоҳномалар топширилди.

**Дилафруз УМАРОВА.**

# ЎРИКНИНГ ХОСИЯТИ

Хўл меваларда маъданли тузлар, чунончи, калий, темир, мис, йод ва бошқа хил тузлар жуда кўп. Темир, мис, кобальт тузлари эса қонни кўпайтиради.

Ўрикда 85 фоизга яқин сув, бир фоизча оқсил, 10,5 фоиз углевод, шунингдек, органик кислоталар (вино, лимон, олма кислоталари), бир оз С дармон дори, В гуруҳи дармондори ва каротин моддаси кўп. 100 грамм ўрикда тахминан 2 миллиграмм, 10 грамм туршакда эса 5 миллиграммга яқин каротин, калий ва фосфор тузлари, шунингдек, темир, мис, руҳ бор.

Ўрикда қанд моддаси ҳам кўп бўлади. Фарғона ўриги айниқса шириндир.

Туршакда 5 фоизгача оқсил, 70 фоизга яқин углевод бор. Ўрик қуритилганда унинг дармон дорилари деярли камаймайди.

Ўрикнинг бодом ўрнини боса оладиган мағзида 20-40 фоизгача қимматли ўсимлик мойи бор. У паришонхотирлик ва жигар касалликларига даво бўлади. Аммо, аччиқ мағзини ейиш ярамайди. Чунки унда амигдалин деган заҳарли модда бўлади.

Ўрик меъдадан шира чиқишини камайтиради. Шу сабабли меъда ширасида кислота миқдори кўп бўлган кишиларга ўрик хуш келади.

Ўрик ва туршак юрак-томир тизими ёки жигари касалланган паришонхотир бўлган кишилар учун фойдали.

**А.ШАРОПОВ.**

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

# ХАЛОСКОР

***Ҳамроқул Юнусовнинг олий маълумотли жарроҳ дипломига эга бўлганига ҳам қарийб 30 йил бўлди. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча беморларга халоскорлик қилди. Касби тумани марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимига раҳбарлик қилиб келаётганига ҳам 20 йилдан ошди.***

— Мукаррам Аслоновни устозим деб биламан. У кишидан ҳаётий ва касбий тажрибаларни ўргандим, ҳеч қачон меҳрларини дариғ тутмадилар, - дейди Ҳамроқул Юнусов.

Беморларни тиббий асбоб-ускуна ёхуд дори-дармон билан эмас, бир оғиз ширин сўз билан даволаш ҳам катта санъатдир. Буни Ҳамроқул Юнусов ўз тажрибасида синаб кўрган.

— Бунга анча йил бўлди. Отамнинг ошқозонларини операция қилдиришга тўғри келди. Бир неча жарроҳлар билан маслаҳатлашдик. Улар «Бобойни бу ёшларида операция қилиш хавфли. Чунки, операциядан умид йўқ» деган фикрни айтишди. Кейин одамларнинг маслаҳатига кўра Ҳамроқул Юнусовга учрадик. «Э, - қўл силтади у, - отангизни эртагаёқ олиб келинг. Керак бўлса 100 га кирган чолларни ҳам қирчиллама йигитдек қилиб соғайтириб юборамиз. Албатта, бу ёғига Аллоҳ мададкор бўлади деди. Кўнглимизда бу сўз шунчалик ишонч уйғотдики, асти қўяверасиз. Отам операциядан муваффақиятли чиқиб, яна бир неча йил умр кечирдилар. Оила аъзоларимиз Ҳамроқул акадан ғоят миннатдор, - дея ҳикоя қилади истеъфодаги подполковник Аҳмад Маматов.

— Дўхтирнинг умри узун бўлсин. Илоё қўли дард кўрмасин. Унинг хизматини унутолмаймиз, - дейишди Тўхта бобо Азимов, Элмурод Рахмонов, Абдурашид Халилов, Гавҳар момо Абдуллаева...

— Жарроҳлик фаолиятингиз мобайнида нечта беморни операция қилгансиз, эслай оласизми? - сўраймиз жарроҳдан.

У саволимизга кулиб жавоб беради.

- Нима десам экан. Яқинда ҳамкасб дўстларимнинг қистови билан бунга жиддий киришдик. Ҳисоблаб чиқсак, қўлимга қарийб 29 минг марта жарроҳлик қайчисини ушлашга тўғри келган экан.

29 минг операция! Бу 29 мингта бемор, шунча тақдир, ташвиш ва шундан ҳам кўпроқ қувончлар дегани эмасми?!

Шогирдлари Исроил Пўлатов, Раҳматулла Файзуллаев, Музаффар Каримов, Жўра Раҳимов, Ширинбой Ёмғиров, Рустам Эшқулов, Раҳим Сатторов ва яна ўнлаб жарроҳларнинг беморларга кўрсатаётган беминнат хизматини назарга тутсак Ҳамроқул Юнусов ўзига хос улкан савоб боғи яратганини ҳис этамиз.

Не бахтки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими унвонига сазовор бўлди.

Ҳамроқул Юнусов бахтли оила бошлиғи. Рафиқаси ҳам шифокор. Фарзандлари эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишаяпти.

Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?!

— Эндиликда энг мураккаб бўлган ўпка, жигар, мия ва бошқа одам аъзолари ҳам жарроҳлик йўли билан даволаняпти. — Бу борада «Юнусов тажрибаси»дан кенг фойдаланилаяпти.

... Эшик очилиб оқ халатли жарроҳ кўринди. У томон одамлар ёпирилишди. «Операция қандай ўтди»?...

— Бахтли экансизлар. Операция енгил ўтди. Эрта-индин жиянниг ўзи хонадонинизга чопқиллаб кириб боради.

Бу сўздан кўзлар қувонч ёшларига тўлди.

Бундай ҳолат Ҳамроқул Юнусов фаолиятида тез-тез такрорланиб туради.

**Абдулла АЙИЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Овқатланиш ва савдо комбинати» тугатилмоқда.

Даъволар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ва Тошкент шаҳар қўмитаси «Фатон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси В.Я.Пипкинага умр йўлдоши **Евгений Леонидович ВОРОБЬЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ишонч» газетаси жамоаси газета мухбири Х.Набираевга акаси **Исматилла НАБИРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 23.00

Буюртма Г— 524.
1 2 3 4 5 6